



XALQ DEPUTATLAR JIZZAX VILOYATI KENGASHINING QARORI

2022 - yil 20 - may

VI-35-150-3-0-K/22

Jizzax viloyati hokimligi

Вилоят Кичик саноат зоналарини бошқариш ягона дирекцияси фаолиятини молиявий таъминлаш мақсадида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги “Кичик саноат зоналари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 134-сонли қарори ижроси ҳамда вилоят Кичик саноат зоналарини бошқариш ягона дирекцияси фаолиятини молиявий таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-ва Бюджет кодексининг 126-моддасига асосан Халқ депутатлари вилоят Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Вилоят Кичик саноат зоналарини бошқариш ягона дирекциясини сақлаш мақсадида тузилган харажатлар сметаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вилоят Молия бош бошқармаси (А.Рахматуллаев)га вилоят маҳаллий бюджетининг эркин қолдиқ ва даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми маблағлари ҳисобидан, вилоят Кичик саноат зоналарини бошқариш ягона дирекциясига 899 579,0 (саккиз юз тўқсон тўққиз миллион беш юз етмиш тўққиз) минг. сўм маблағ ажратиш вазифаси топширилсин.

3. Вилоят Кичик саноат зоналарини бошқариш ягона дирекцияси раҳбари (Х.Давиров)га ажратилган маблағдан мақсадли фойдаланиш вазифаси юклансин.

4. Вилоят Ғазначилик бошқармаси (З.Маллаев)га харидларнинг Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни талабларига риоя қилган ҳолда амалга оширилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

5. Давлат молиявий назорати вилоят бошқармаси (И.Собиров) ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан назорат ўрнатсин.

6. Мазкур харажатларда бош режани лойиҳалаштириш ишлари мавжудлигини инобатга олиб, Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал соҳа ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияси ҳамда вилоят ҳокимининг ўринбосари Б.Назаров ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланишни назорат қилишга масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

7. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш, Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ҳамда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Мустанов ва вилоят ҳокимининг ўринбосари Н.Нурматовлар зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Э.Салиев